

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Томорқа – туганмас хазина

ОМИЛКОРЛИК ЭВАЗИГА БАРАКАЛИ ДАРОМАД

Ўрта Чирчиқ туманидаги "Қорасув" маҳалласилик тадбиркор Абдусаттор Ҳидировнинг маҳалладошлари орасида хурмати бор. У самарали меҳнати эвазига баракали даромадга эга бўлмоқда.

Тадбиркор деҳқон икки йилдирки, ҳовлисининг 1,8 сотида мўзтадил иқлимда ўсувчи кўзкорин парваришлаб, мўл ҳосил олмақда. У парваришлаётган кўзкорин бир ойда етилиб, истеъмолга яроқли ҳисобланади. Уни қўриб ёки шўра пишириб ичиш мумкин. Шунингдек, маринадлар, тузлама ва салатлар ҳамда бошқа маҳсулотлар тайёрланади.

Энг муҳими, кўзкорин даромадга ҳам, саломатликка ҳам фойдалиги билан ажралиб туради, – дейди А. Ҳидиров меҳнатидан мамнун бўлиб.

У киши пенсияда бўлишига қарамай, тиниб-тинчимаиди, – дейди маҳалла раисаси Гулнора Абдурахимова. – Оила бекаси Шахло опа билан 4 фарзандни тарбиялаб,

ҳалол меҳнатлари эвазига олий ўқув юртлирида ўқитишди.

Тадбиркорнинг иш тажрибаси шуниси билан қимматлики, кўзкорин витаминларга бой бўлиб, 100 граммда 3,3 гр. оксил, 0,4 гр. ёғ, 4,2 гр. углеводлар бор, қуввати – 38 кКал. Таркибидаги оксил ва углеводлари билан сабзавотларга, витаминлари билан эса мол гўшга тенглаша олади. В, С, Е, Д, ва бошқа витаминларнинг мавжудлиги киши жисмидаги холестерин миқдорини камайтиради. Таркибида яна темир, калий, кальций, йод ҳамда бошқа элементлар ҳам бўлиб, иммунитетни оширади.

Хуршид ФАЙЗУЛЛАЕВ, Равшан МИРЗАҚУЛОВ олган сурат.



8 март – Халқаро хотин-қизлар куни олдида

Мамлакатимиз хотин-қизларига дунёдаги энг бахтли, энг муҳтарам, деган таърифлар ярашади. Чунки аёл учун тинч, фаровон юрда яшаш, файзли хонадоннинг бекаси бўлиш, соғлом фарзандни камолга етказиш, жамиятда кадр топишдан ортиқроқ саодат йўқ.

ОИЛА МАЛИКАСИ, ЗАМОН БУЊЁДКОРИ

Бу Президентимиз Исом Каримов раҳнамолигида тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, халқимиз фаровонлигини янада юксалтириш, жамиятимизда хотин-қизларнинг маънавий оширишга бўлган оқсак эътибор натижасидир.

Мамлакатимизда турли соҳа ва тармоқларда меҳнат қилаётган аҳолининг эллик фоизга яқинини хотин-қизлар ташкил этади, – дейди Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раисининг ўринбосари Гулнора Маъруфова. – Улар орасида ўзининг билим ва тажрибаси, профессионал малакаси ва маҳорати тўғрисида кўплаб жабҳаларда етакчи мавқеларни эгаллаб кела-

ётган хотин-қизларимиз кўп. Бугун ҳаётимизда тобора катта ўрин тутаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, оила бизнеси, фермерлик, юқори технологияларга асосланган замонавий тармоқлар, илмфан, тиббиёт, таълим-тарбия, маданият ва санъат каби соҳа ва тармоқлар ривожини аёлларнинг иштироки билан таъминлаш мумкин.

Ўзбекистонда гендер тенглиги таъминланмоқда. Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар айти пайтда жаҳон ҳамжамияти томонидан оқсак баҳоланмоқда. (Давоми 2-бетда).

Наврўз – 2016

ЭЗГУЛИК, ГЎЗАЛЛИК, ЯШАРИШ ПАЛЛАСИ

Баҳор худди уятчан қизалоқдек бармоғини тишлаганча останада жилмайиб турибди. Ҳадемай, у гўзал либосларга бурканиб, ширин ифтор тартиб, юракларини энтиктириб кириб келади. Борлик уйғонади. Яшариш, янгиланиш фасли бошланади.

Бади

Тиниқиб улаган куртаклар шудрингга юз чаяди. Маҳнунтолларнинг мисранг хивчилари янги умид билан бағр чикаради. Майсалар кўкка буй чўзади. Митти офтобчалар – момақаймоқлар бошларига олтинранг чамбараклар кияди. Рангин капалаклар хиром айлайди. Чумолилар зир югуриб, бир-бирини қутлайди. Мاستона ялпизлар ифорида шашт олан сув югуради тарошланган ариқ бўйлаб. Кекса туллар юзларидаги ажинларни унутиб, ёшлигини хотирлайди. Бетийик шаббодлар юзингизни силаб энтиктиради дилларини. Офтобнинг заррин нурлари кўзигулларга заъфарон ранг беради, ол ранг ато этади ял-ял ёнган қизгалдоқларга.

Баҳор биз интиқ ва интизор кутган, кўнгулларга

шодумонлик бағишловчи ардоқли байрамимиз Наврўздан илк муҳимда келтиради. Олам янгиланади. Зотан, Наврўз янги кун демакдир. Абу Райхон Беруний "Қадимки халқлардан қолган ёдгорликлар" китобиде Наврўзни шундай таърифлайди: "Наврўз... баҳорда келадиган бўлди. Энди бутун йил унга ҳизмат қиладиган бир вақтда, яъни баҳор ёмигининг биринчи томчиси тушишидан гуллар очилгунча, дарахлар гуллашадан мевалари етилгунча, ҳайвонларда то насл вужудга келгунча ва ўсимлик униб бошладиган тақомиллашгунча давом этадиган вақтда келади. Шунинг учун Наврўз оламнинг бошланishi ва яратилишига далил қилинган". Улуғ бобомиз неча юз йиллик тарихга эга қадимги аждодларимиз ўтмишини тадиқ қилганида битган бу сатрларни. Мана, неча асрлар ўтса ҳамки, Наврўзнинг моҳияти ўзгармади – аҳамияти, қадр-қиммати ўша-ўша. (Давоми 4-бетда).

Анжуман

ЙИЛЛИК ФАОЛИЯТ САРҲИСОБИ

Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят худудий бўлимининг "Тошкент вилоятида фуқаролик жамияти ривожланишининг сифат ва миқдор ўзгаришлари" мавзусидаги йиллик конференцияси бўлиб ўтди.

Бўлимининг 2015 йилдаги фаолияти тўғрисида кенг жамоатчиликни хабардор қилиш, шунингдек, фуқаролик жамияти ривожланиш жараёни ва истиқболлари юзасидан фикр алмашиш мақсадида ташкил этилган мулоқотда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари, вилоят ҳокимлиги, сиёсий партия гуруҳларининг вилоят бўлими раҳбарлари, адиля бошқармаси, вилоятдаги етакчи но-

тадбирда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят худудий бўлимининг ўтган йилда амалга оширган ишлар юзасидан ҳисоботи, шунингдек, бўлими билан ҳамкорликда ишловчи бир қатор ташкилот вакиллари "Аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги ролини ошириш борасида вилоят хотин-қизлар қўмитаси амалга ошираётган ишлар", "Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларни ёритишда журналистларнинг малакасини янада ошириш", "Жойларда ННТ ва давлат органлари ўртасида ижтимоий ҳамкорликни

янада ривожлантиришнинг долзарб масалалари", "Худудий партия ташкилотларининг 2015 йил сайловларда иштироки ҳамда институт худудий бўлими билан ҳамкорликдаги фаолияти", "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг худуддаги долзарб масалаларни ҳал этишдаги фаолияти" ва "Ешларнинг ижтимоий-сиёсий фаолигини ошириш" мавзуларидаги маърузалари тингланди.

Анжуманда, иштирокчилар институтининг ўтган йилдаги фаолиятини ижобий баҳолаб, институт билан ҳамкорлик яқиндан ҳамкорлик қилиши, бундан ҳар томонлама манфаатдор эканлигини таъкидлашди. Келгусида институт фаолиятини ривожлантириш, шунингдек, фуқаролик жамияти институтларининг мамлакатимиз демократик янгиланish ва модернизация қилишдаги ролини янада ошириш юзасидан фикр ва мулоҳазалар билдиришди.

Аваз ИСРОИЛОВ, Қобилжон ҚОҲУЛОВ олган сурат.



Қонун ва ижро

МУҲИМ ЛОЙИҲАЛАР ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНМОҚДА

Олий Мажлис ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондига грантлар бўйича берадиган маблағлар йилдан-йилга кўпаймоқда. Бугунги кунда ННТ соғлиқни сақлаш, атроф-

муҳитни муҳофаза қилиш, баркамол авлодни тарбиялаш, бандлиқни таъминлаш ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш оид масалаларни ҳал қилишда фаол иштирок этмоқда.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси "учинчи сектор" ни янада ривожлантиришга катта туртки бўлди. Унга мувофиқ "Ижтимоий шериклик тўғрисида" ги Ўзбекистон

Республикаси Қонуни қабул қилинди. Унинг нормаларига мувофиқ ННТ, мустақил ОАВ ва фуқаролик жамияти бошқа институтларнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланишини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш ҳамда тақомиллаштиришга қара-

тилган 6 та ҳужжат янги тахрирда қабул қилинди. Шу билан бирга Қонуннинг 16 ва 18-моддалари талабларидан келиб чиқиб, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, Халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашилари ҳузуридаги

ижтимоий шериклик бўйича жамоат комиссияларининг фаолиятига услубий раҳбарлиқни таъминлаш мақсадида комиссиянинг намунавий регламенти ишлаб чиқилди ва регламент комиссияси томонидан тасдиқланди.

Муҳим ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат ижтимоий буюртмаларини жойлаштириш

(Давоми 2-бетда).

Вилоятни яёв кезганда

ЯРОҚСИЗ БРИКЕТНИНГ СЕРТИФИКАТИ КИМДА?

Халқда "Ёзда ёпинчигини кўйма, қишда ўзинг билсан" деган гап бор. Қолаверса, "Кишининг бир куни қолса ҳам кўрк" деган ибора ҳам ҳаётдан олинган. Яна ҳам аниқ қилиб айтиладиган бўлсак, Ўзбекистондаги 8-умумий ўрта таълим мактабиде бугунги аҳвол юқоридаги мулоҳазаларни ёдга солаёпти.

Гапнинг индаллоси шуки, тумандаги айрим мактаб ва болалар боғчаларини иситишда фойдаланилаётган кўмир брикетининг сифати талабга

жавоб бермай, ўқувчи ва болалар совуқдан қийналишмоқда. Туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўли-

ми ходими Анвар Ҳайдаровнинг айтишича, мактабларнинг учдан икки қисми кўмир ёқиб иситишга мослаштирилган. Жумладан, 8-умумий ўрта таълим мактабидеги аҳвол билан бевосита танишдик.

– Мактабимизда 340 ўқувчи таълим олади, – дейди директор Гавҳар Шодиева. – Кўмир етказувчи унитар корхона куз-қиш мав-

сумида ёқиш учун қарий 75 тонна брикет билан таъминлади. Унинг сифатсиз эканлиги куздаёқ ёқиб кўриб, билганмиз. Биринчидан, жуда паст аланга бериб ёнади. Устига-устак қаттиқ тутади. Оқибатда синфхоналар яхши исимай, ўқувчилар дарсда пальтоларда ўтиришга мажбур бўлишяпти.

(Давоми 2-бетда).

Эътироф

ЎЗБЕКИСТОН ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ЭКСПОРТИ

Германия пойтахтидаги Messe Berlin кўргазмалар мажмуида озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, сақлаш, қадоклаш, юклаш ҳамда уларни экспорт ва импорт қилиш соҳасидаги энг сўнгги ютуқлар намоийш этиладиган Fruit Logistica аънанавий халқаро кўргазмаси бўлиб ўтди.

Жорий йилда мазкур кўргазма ишида дунёнинг 85 мамлакатидан қарий 3 минг ишлаб чиқарувчи ва дистрибуторлик компаниялари иштирок этди. Унда мамлакатимиздан жаҳон бозорларига сархил ҳамда қайта ишланган мева ва сабзавотлар етказиб беришга ихтисослашган "Ўзтадбиркорекспорт" АЖ, Turon Agro Fresh LLC, Spectrum ITG, Mega Nuts LLC ва Kishmish Savdo LLC корхоналари қатнашди.

Кўргазма чоғида мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини, унинг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги улкан имкониятларини ўзида акс эттирган Ўзбекистон экспозициясига ярмарка мутахассислари ва меҳмонлари томонидан катта қизиқиш кузатилади.

Масалан, Швециянинг Butikkskonsult компанияси вакили Фредрик Янсон "Жаҳон" ахборот агентлиги мухбири билан бўлиб ўтган суҳбат чоғида куйидаги фикрларини билдирди.

– Ўзбекистоннинг ушбу нуфузли ва йирик кўргазмадаги иштироки хорижий компанияларга, жумладан, бизга ҳам Европа бозорига тақлиф этилаётган маҳсулотларининг билан бевосита танишиши имкониятини яратди. Butikkskonsult Швециядаги етакчи логистика компанияларидан бири ҳисобланади. У бутун Скандинавияда мева ва сабзавотларнинг савдоси билан шуғулланидиган кенг қамровли дистрибуторлик тармоғига эга. Биз ўз фаолиятимизда иқтисодий жи-

ҳатдан мақсадга мувофиқ бўлган ҳамда экологик тоза маҳсулотларни сотишга устувор аҳамият қаратамиз. Шу нуқтаи назардан Ўзбекистон бизнинг истиқболли амалий ҳамкоримиз бўлиши мумкин.

Ўз навбатида, Голландиянинг Green Hart компанияси вакили Петер ван ден Брек ҳам Fruit Logistica халқаро кўргазмаси озиқ-овқат санъати маҳсулотларини импорт ва экспорт қилиш юзасидан ўзаро манфаатли ҳамкорликни ўрнатish учун яхши майдон эканлигини айтди.

– Ўзбекистон экспозицияси мамлакатнинг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги улкан имкониятларини яққол очиб берган, – деди у. – Шубҳа йўқки, республикада ишлаб чиқариладиган сифатли маҳсулотларга бизда катта қизиқиш бор. Муҳим жиҳат шундан иборатки, мамлакатимизнинг қўлай табиий-иқлимий шароитлари ноёб таъм ҳамда сифатга эга бўлган турли-туман мева ва сабзавотларни етиштириш имконини беради. Шу билан бирга, Ўзбекистоннинг экспортга мўлжалланган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари халқаро андозаларга ҳам мос келади. Шу боис, мамлакат салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда шунини ишонч билан айтишим мумкинки, яқин йиллар ичида республикамизга тоза ва қайта ишланган озиқ-овқат маҳсулотларининг экспорти бўйича жаҳоннинг етакчи мамлакатларидан бирига айланиши мумкин.

"Жаҳон" АА.

ДИЛЛАРДА ШУКРОНАЛИК

Чорбоғ шаҳарчамиз яқин-яқингача кўргон деб юритиларди. Маҳаллий тадбиркор ва фермерларимиз сай-ҳаракатлари билан замонавий бинолар, савдо шаҳобчалари, машиий хизмат кўрсатиш объектлари қурилиб, ободонлашди.

Маҳалламиз яқинида эски пойабзал корхонаси бўларди. Анча йиллардан бери ишламаётгани сабабли ташландиқ ҳолга келиб, қишлоғимиз хусусини бузиб турганди. 2013 йили унинг ўрнида замонавий ип йиғирув фабрикасини қуриш бошланди. Германия билан ҳамкорликда барпо этилган корхона яқин кунларда ишга тушади. Қувонарли жиҳати шундаки, 500 га яқин ёшлар ва хотин-қизларимиз иш билан таъминланди. Бу эса маҳалламиз аҳолисининг турмуш фаровонлигини янада яхши-лаштиришга олиб келиши шубҳасиз. Корхона яқинида қурилган 4 қаватли тураржой ҳамда 32 ўринли меҳмонхона ишчилар учун қатор қулайликлар яратиб беради, қишлоғимиз чиройини янада очди. Корхонага элтувчи 8 километрли йўлнинг асфальт қилиниши билан йўловчи

ва машиналарнинг маҳаллага кириб-чиқишида юзага келадиган муаммолар бартараф этилди.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуслари билан Чинор қишлоғида барпо этилган 200 ўринли Бола-лар мусиқа ва санъат мактабиде фарзандларимиз кунт билан ўқишмоқда. Шунингдек, қишлоғимизга 3,5 километр узунликда табиий газ қувури тортилиши ҳақидаги хабарни эшитиб, қувончимизга қувонч қўшилди. Чорбоғ шаҳарчаси ва Чинор қишлоғи аҳолининг дилию тилидаги шукроналик ҳисси янада ошди. Биз қариялар яратиб берилаётган бундай шароитлар учун давлатимиздан чексиз миннатдор ҳолда, доимо дуодамиз.

Тоҳир ҚОБУЛОВ, Лобар ҚОБУЛОВА, Малика ТРАКОВА, Бўстонлик тумани.



Комиссия ййгилиши

ИЖТИМОЙ ШЕРИКЧИЛИК МУСТАҲКАМЛАНАДИ

Вилоят ҳокимлигида Халқ депутатлари вилоят Кенгаши хузуридаги ижтимоий шериклик бўйича жамоат комиссияси ййгилиши бўлиб ўтди.



Олий Мажлис хузуридаги Жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент ва Халқ депутатлари вилоят Кенгаши хузуридаги ижтимоий шериклик бўйича жамоат комиссиялари аъзолари ҳамда оммавий

тақсимлашнинг асосий йўналишлари ва эълон қилинган давлат грантлари, шунингдек, Жамоат фонди 2014-2015 йилларда молиялаштирган лойиҳалар мониторинги масалалари юзасидан ҳисоботлар тингланб, атрофлича фикр юритилди.

Таъкидланганидек, ижтимоий ва жамоат аҳамиятига молик дастур ва лойиҳаларни амалга оширишда ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамкорлигини чуқурлаштиришга кўмаклашиш борасида ижтимоий шериклик бўйича жамоат комиссияси ўтган йилда жойлардаги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ННТларнинг ижтимоий шериклигини мустаҳкамлашга қаратилган семинарлар, 2013-2017 йилларда Ўзбекистон Республикаси атроф-муҳити муҳофазаси бўйича ҳаракатлар дастурини амалга ошириш доирасида вилоят табиати муҳофазаси қилиш бошқармаси раҳбарининг ижтимоий шериклик ҳолати тўғрисидаги ахборотини тинглашнинг ташкил этди. Ўзбекистон ННТ Миллий форумининг ҳудудий босқичини ўтказишга кўмаклашди, ижтимоий шерикликнинг мазмун-моҳияти, муҳим ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга фуқаролик жамиятларини кенг жалб қилишга қаратилган телекўрсатувлар тайёрлаб, эфирга узатилишини таъминлади.

– Мамлакатимизда ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари лойиҳа ва дастурларини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилган, – дейди Олий Мажлис хузуридаги Жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси аъзоси Сайёра Баратова. – Эътиборлики, ушбу мақсадлар учун давлат бюджетидан ажратилаётган маблағ йилдан йилга ортиб бормоқда. Хусусан, давлат грантлари шаклида берилаётган маблағ ўтган йилга нисбатан 10,1,

давлат ижтимоий буюртмалари шаклидаги маблағ 15 ҳамда давлат субсидиялар шаклидаги маблағ эса 6,8 фоизга ошиши кўзда тутилган.

Ййгилишда асосий эътибор, 2016 йилда амалга оширилиши лозим бўлган ишларга қаратилиб, “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастури ижросини таъминлашда ННТлар иштирокини кучайтириш, “Жамоат назорати тўғрисида”ги қонун лойиҳаси, шунингдек, мамлакатимизда демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш доирасида ишлаб чиқилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг жамоатчилик орасида муҳофизат этилишини ташкил қилиш каби устувор вазифалар белгилаб олинди.

Ййгилишда кўрилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Авазбек ХУДОЙКУЛОВ,
“Тошкент ҳақиқати” мухбири,
Қобилжон ҒОҒУРОВ
олган сурат.

Семинар-тренинг

МАҲОРАТ ДАРСЛАРИ

Республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ташаббуси билан мамлакатимиз раҳбарининг “Чет тилларини ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ижроси доирасида ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида чет тилларни ўргатиш бўйича қатор ислохотлар амалга оширилмоқда. 2014-2015 ўқув йилидан бошлаб тизимдаги барча таълим муассасаларининг 1-босқичида янги ўқув дастурлари асосида чет тилларини ўқитиш жорий этилди, 500 миңдан зиёд ўқувчилар янги ўқув-услубий мажмуалар, китоб ва иш дафтари, аудио материаллар билан таъминланди.

2015-2016 ўқув йилида ҳам 2-босқич талабаларига янги адабиётлар чоп этилиб, етказиб берилди. Умуман, янги давлат таълим стандарти қабул қилинганидан буён тизимдаги чет тили ўқитувчилари турли семинар-тренингларда фаол иштирок этмоқда. Бугунги кунгача халқаро мутахассислар иштирокида ўтказилган семинар-тренингларда 400га яқин миллий эксперт-тренерлар тайёрланди. Вилоят ўрта-махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқитувчилари учун ушбу тренерлар маҳорат дарслари ўқиши бошландилар. “Ўқитувчиларнинг базавий даражаси” бўйича ўтказилаётган бундай маҳорат дарслари барча вилоятларда ташкил этилмоқда. Уларда 500 дан зиёд чет тили ўқитувчилари 36 соатлик дастур асосида маҳоратларини оширишди. Ушбу семинар-тренинглар ўрта-махсус, касб-хунар таълими тизимида мунтазам ташкил этиб борилади.

Саида ИКРОМОВА.

Ўқув курслари

Ҳозирги глобаллашув даври маҳалла фуқаролар ййғинидан ҳар қачонгидан ҳам зийрак ва огоҳлики, интеллектуал салоҳият ва кенг камровли билим талаб эт-

моқда. Ййгин ходимларининг билим ва малакасини оширишда қисқа мuddатли ўқув курслари, чоп этилаётган услубий қўлланма ва йўриқномалар қўл келмоқда.

МАҲАЛЛА ФАОЛЛАРИ УЧУН ҲАФТАЛИК САБОҚ

Президентимизнинг “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув курсларини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори тизим ходимлари малакасини оширишда янги босқични бошлаб берди. Шу асосда вилоят ҳокимлиги хузурида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари малакасини ошириш бўйича ўқув курслари ташкил этилди. Уларга Вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институту биносидан хоналар ажратилиб, зарур кўргазмалар қурулган, ўқув воситалари, компьютер ва видеопроекторлар билан таъминланди.

2014-2015 ўқув йилида раислар, маслаҳатчилар, масъул котиблар ва “Маҳалла посбони” жамоат тузилмалари раҳбарларидан иборат 4206 ходимнинг малакасини ошириш мўлжалланган эди. Андиқ режа асосида олган бориқдан ишлар туфайли 3286 маҳалла фаолининг малакаси оширилди. 2016 йил 920 ходимнинг ўқишга жалб этиш режалаштирилган бўлиб, курслар шу йилнинг апрель ойига қадар давом этади.

Бир ҳафта давом этадиган ўқув курсини тамомлаганлар синовдан ўтиб, сертификат-



га эга бўладилар. Дарсларни олий таълим муассасаларининг 22 профессор-ўқитувчилари ва тажрибали мутахассислар янги педагогик технологиялар асосида ўтаётгани яхши самара бераёттир.

Маърузаларда фуқаролар ййғинлари фаолиятини тартибга солиш, ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар билан ишлаш, маънавий-маърифий ишларнинг услуб ва воситалари, тадбиркорлик, оилавий бизнес ва хунармандчилик, йўналишлар бўйича комиссиялар ишини ташкил этиш ва бундай фаоллар зиммасидаги вазифалар тушунирилмоқда. Машгулотларнинг бахс-мунозара ва савол-жавобларга уланб кетиши улар нечоғли қизиқарли ўтиляётганидан

оилавий бизнесни ривожлантириш масалалари бўйича комиссиялар иши самарачилиги ташкил этилаётган намунали маҳаллалар фаолияти ўрнатилиб кўрсатилгани тажриба алмашишимизда қўл келмоқда.

– Маҳалла фаоли худуд жонқуяри ҳисобланади, – дейди ўқув курси раҳбари Норсоат Шоймардонов. – Шу жиҳатдан қараганда, уларнинг ўқув курсларини таъминлаб, келгуси фаолиятларида ижобий натижаларга эришиши бизнинг ютуғимиздир.

– Тажрибали профессор-ўқитувчилардан фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш ва жамоат тартибинин сақлаш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, бу борада аҳоли билан турли профилактика тадбирлари ўтказиш бўйича керакли таъсиялар олмақдамиз, – дейди Куйи Чирчик тумани “Жу-магул” маҳалла фуқаролар ййғини посбони Дўстимжон Қалбеков. – Шунингдек, фаолиятимиз давомида учраб турадиган муаммоларни саволларга мутахассислардан жавоблар олаёلمиз.

НОЗИМА РАСУЛОВА,
“Тошкент ҳақиқати” мухбири,
Қобилжон ҒОҒУРОВ
олган сурат.

Қонун ва ижро

МУҲИМ ЛОЙИҲАЛАР ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНМОҚДА

учун битта ҳамда давлат грантларини ажратиш учун 6 та танлов ўтказилди. Хусусан, “Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга оширишга ННТни кенг жалб қилиш” мавзусидаги танловга 210 та ННТ, ОАВ ва фуқаролик жамияти бошқа институтларидан 239 та лойиҳа тақдим этилиб, ғолиб бўлган 75 та лойиҳа 1 млрд. 100 млн. сўм маблағ билан қўллаб-қувватланди. “Давлат ижтимоий дастурларини амалга ошириш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятининг шакллантириш жараёнини мустақил ОАВда ёритишга қаратилган лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш” мавзусидаги 2-танловга 88 та ННТ, ОАВ ва фуқаролик жамияти бошқа институтларидан 105 та лойиҳа тақдим этилиб, 60 та лойиҳа 900 млн. сўм билан молиялаштирилди.

Ҳисобот йилида 66 та устувор йўналишини қамраб олган 6 та давлат танловида жами 1031 та ННТ, ОАВ ва фуқаролик жамияти бошқа институтлари 1201 та лойиҳа билан иштирок этди ва улардан муҳим ижтимоий аҳамиятга молик деб топилган 279 та лойиҳа умумий қиймати 5 млрд. 444,7 млн. сўм маблағ билан таъминланди. Шунингдек, ҳисобот даврида қўшимча ўтказилган 6-давлат гранти танлови якуни билан 28 та лойиҳани амалга ошириш учун 694,7 млн.сўм маблағ қўшимча йўналтирилди.

Давлат гранти танлови (Давоми. Боши 1-бетда).

иштирокчилари ва тақдим этилган лойиҳалар 2014 йилга нисбатан 2 баравар, кейинги беш йил давомида эса, давлат гранти танловларида иштирок этаётган ННТ, ОАВ ва фуқаролик жамияти институтлари ва тақдим этилаётган лойиҳалар, шунингдек, ғолиб бўлган лойиҳалар 2,3 баравар, бир лойиҳага ажратилган давлат гранти 25 млн. сўм ёки 2009 йилга нисбатан ўртача 4,2 баравар ошди.

Лойиҳаларни рўйбга чиқариш доирасида Давлат дастури, ҳудудий, тармоқ ва бошқа ижтимоий дастурларни амалга ошириш бўйича ижтимоий шериклини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, “Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастури доирасида 7000 қарияга, 1000 дан зиёд уруш ва меҳнат фахрийси, шунингдек, ногиронларга зийтиш аппаратлари, махсус ара-вачалар, ҳаракатланиш ва бошқа воситалар берилди.

Бу йил ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари лойиҳа ва дастурларини қўллаб-қувватлаш учун республика бюджетидан 11 млрд. сўм маблағ ажратилган ва умумий маблағнинг 47,5 фоизи ёки 5 млрд. 230 млн. сўмини йил давомида 6 та асосий ва 62 дан ортиқ йўналишда давлат грантлари ҳамда давлат органларининг буюртмаларидан келиб чиқиб, 2 млрд. 300 млн. сўм ёки умумий маблағнинг 261 фоизини давлат ижтимоий буюртмалари шаклида қўллаб-қувватлаш масалаларини Парламент

комиссияси аъзолари кўриб чиқишди. Шу билан бирга, ййгилишда нодавлат номиқдор ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари Соғлом она ва бола йилида ижтимоий аҳамиятли лойиҳаларни амалга оширишга давлат ижтимоий буюртмаларини тақдим этиш учун танлов, шунингдек, “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросига ННТни кенг жалб қилиш” мавзусида биринчи давлат гранти танлови ҳамда “ОАВларнинг ижтимоий-иқтисодий дастурлар ижросини ёритишга, давлат органлари фаолиятининг очиклигини таъминлашга қаратилган лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш” мавзусида иккинчи давлат гранти эълон қилинди.

Мухтасар қилиб айтганда, Парламент комиссияси фаолияти “учинчи сектор”ни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган молиявий маблағларни очик, манзилли ва демократик тарзда йўналтириш имконини бериб, ННТлар фаолиятининг тақийлий-техник ва иқтисодий базасини мустаҳкамлашга самарали таъсир кўрсатмоқда. Бу эса ижтимоий шерикликдан барча тўлиқ манфаатдор бўлиб, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ва барқарор ривожига ва, албатта, обод, фаровон ҳаётга эришиш учун замин яратди.

АКМАЛ УМАРАЛИЕВ,
Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси
депутати, Парламент
комиссияси аъзоси.

ТАДБИРКОР ТАШАББУСКОР БЎЛСА

Бекобод туманилик тадбиркор Сафарой Бердиеванинг ташаббуси ва савй-ҳаракати билан “Гулистон” маҳалласидаги етти хотин-қиз доимий иш ўрнига эга бўлди.

Тадбиркор аёлларга берилаётган имтиёزلардан самарали фойдаланаётган С. Бердиеванинг бир йил муқаддам “Халқ банки” туман филиалидан олган 8 миллион сўм кредити ҳисобига саккизта тикув машинаси ўрнатилган “Довуржон Шодийёр” масъулияти чекланган жамиятида оғига 5,5-6 миллион сўмлик кийим-кечак тайёрланмоқда.

Тикувчилик цехида миқознинг талаб ва эҳтиёжидан келиб чиқиб,

қабул қилинаётган ҳар бир буюртма қисқа мuddатда сифатли ва мақбул нархларда тайёрлаб беришмоқда. Шунинг учун миқозлар кўпайиб бормоқда. Айни пайтда вилоятимиздаги бир қатор корхона ва ташкилотлардан махсус иш кийимларига буюртмалар тушмоқда. Энг муҳими, ҳудуддаги 20 дан зиёд ёшлар тикувчилик сир-аскорларини ўрганиб, хунар эгаси бўлишди.

Юлдузхон МУҲИДДИНОВА,
“Тошкент ҳақиқати” мухбири.

Вилоятни яёв кезганда

ЯРОҚСИЗ БРИКЕТНИНГ СЕРТИФИКАТИ КИМДА?

Ўқитувчиларнинг таъкидлашига қараганда, брикет 2690 та қолда келтирилиб, ҳар бири ўртача 28 килограммдан экани айтилган-у, аммо тарозидан тортмай, бериб кетилган. Бу ҳам етмагандек, брикет ўта нам (!) бўлиб, сеткадан ўтказилганда, ҳар тўрт қопидан бир ярим қопигина яроқли бўлган.

– 6-7 декабрь кунлари мактабимизга тафтиш гуруҳи келиб, брикетдан 12 тонна қамомад борлигини (Давоми. Боши 1-бетда).

аниклади, – дейди ҳўжалик ишлари бўйича директор ўринбосари Қурбонали Баратов. – Бунга ажабланмас ҳам бўлади. Негаки, брикет келтирилганда анча нам эди. Иккинчидан эса, бизга тонна ҳисобидан эмас, қоп ҳисобидан топшириб кетишган. Энг ачинарлики, 12 тонна қамомад учун айбисиз айбдор бўлиб турибмиз.

Тумандаги 17-болалар боғчаси раҳбарлари ҳам тутаб ёнадиган, хоналарни иситиш эмас, ҳатто или-

тишга ҳам ярамаётган сифатсиз брикет машмашасидан безор бўлиб кетишди. Боғчада оз эмас, кўп эмас, кунига 116 бола тарбияланади.

– Куз-қиш мавсуми учун

бошлади. Рисоладагидек тайёрланган брикет ёқилганда, иссиқ сувнинг босими 80 атмосфериани кўрсатса, бизга берилган брикет кетма-кет ёқилса ҳам 40 атмосферадан ошмайди. Шу



28 тонна кўмир брикети олган эдик, – дейди ҳўжалик ишлари бўйича мудири ўринбосари Маъмура Ғафорова. – Аммо, унинг бешдан бир қисми аввал-бошданок яроқсизлиги маълум эди. Турган жойида уваланиб кетиб, қайтадан кўмир қукунига айлана

боис хоналар ҳароратини меъёрида ушлаб туриш учун қўшимча ўтин ёқишга мажбур бўляпмиз. Яна шуниси қизиқки, таъминотчилар тақдим этган брикет ҳужжатларида унинг нархи, на сифат сертификати кўрсатилмаган. Хуллас, туманда сифат-

8 март – Халқаро хотин-қизлар кунин олдиндан

ОИЛА МАЛИКАСИ, ЗАМОН БУЊЁДКОРИ

Рўзгори бут, хонадони обод, фарзандларидан кўнгли тўқлиги боис аёлларнинг жамият ҳаётидаги фаоллиги ошмоқда. Сўнгги йилларда аҳоли учун қулай шарт-шароитга эга бўлган замонавий

уй-жойлар қуриш билан бирга, ҳар бир оиланинг маиший техникалар билан таъминланиш даражасини оширишга бўлган эътибор ҳам аёлларнинг зиммасидаги ташвишларни осонлаштирмоқда. Бунинг учун аҳолига банклар томонидан узоқ мuddатли, имтиёзли ипотeka ва истеъмол кредитлари беришдаги қулайлиқлар кенгайтирилмоқда.

– Халқимиз бугун яхши замонни орзуловчи эмас, балки унинг яратувчисига айланган, – дейди Чиноз туманидаги 2-умумий ўрта таълим мактаби директори, “Эл-юрт хурмати” ордени соҳибаси Фаруза Иброҳимова. – Бунга давлатимиз томонидан барча шарт-шароит ва имкониятлар яратиб берилгани кенг йўл очмоқда. Аёлларимиз улардан унумли фойдаланаёттир. Кундан-кун обод бўлаётган юртимиз тараққиётида зукко, ишбилармон хотин-қизларнинг ҳам улуши ортаётгани туфайли уларни ҳам оила маликаси, ҳам замона бунёдкори, десак хато бўлмайди.

“Қўли гулдир ўзбек аёлин” деган таъриф бугун етти иқлимга ёйилди. Хунарманд аёлларимиз яратётган бежирим либослар, тадбиркор хотин-қизлар бошқараётган корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар жохон бозоридан муносиб ўрин топмоқда.

Юнусобод туманининг “Кулол-кўрган” маҳалласида фаолият яратяётган Моҳира Султонова яратяётган каштаю сўзанаюлар, адрасдан тикилган кийим-кечакларда миллийлик ва замонавийлик уйғунлаштирилгани нафақат юртдошларимиз, балки хорижликларни ҳам қизиқтирмоқда. Шу боис у ўз маҳсулотлари билан Малайзия, Индонезия, Россия ва бошқа давлатлардаги кўргазмаларда муваффақиятли иштирок этган. Ўз хунарини юзга яқин (Давоми. Боши 1-бетда).

Тадбир

«ҚИЗ БОЛА АВВАЛО КАСБ ЭГАЛЛАСИН, ҲАЁТНИ АНГЛАСИН»

Мухтарам Президентимизнинг: “Қиз болани коллежни битирмасдан, хунар эгалламасдан туриб, кимки турмушга бермоқчи бўлса, бунинг мен узоқни кўрсатмаслик, калтабиллик деб ҳисоблайман. Қиз бола аввало касб эгалласин, ўз фикрига эга бўлсин, ҳаётни англасин. Шундан кейин у ҳаётда ўзининг муносиб ўрнини топади, жамиятимизнинг фаол аъзосига айланади, эртага у курадиган оида ҳам мустаҳкам бўлади. Бу менинг энг катта орзум ва тилагимдир...”, деган фикрларини барча ота-оналар, айниқса, биз, педагоглар доимо ёдда тутишимиз, кундалик фаолиятимизда қатъий амал қилишимиз лозим.

Ҳали илм олиш истагида бўлган қизларимизни қариндошлик ришталари узилиб кетмасин, ёхуд бой-бадавлат оила экан деб узатишга чоғланаётган ота-оналар қизларининг келажаги қандай бўлишини олдиндан билмайдилар. Ўзи хали бола бўлган ёш қиз қандай қилиб фарзанд тарбиялай олади, қандай қилиб рўзгор тутади? Бундан кўра, уларни пазандалик ва тикув курсларига юборсак, оилавий ҳаётга тайёрласак, борган жойида “қўли гул экан, тарбия берган ота-онасига раҳмат” деган гапни эшитса, ҳар бир ота-онага хузури бағишлаб, кўнгли тоғдек кўтарилса керак.

Бизнинг Бекобод техника-иқтисодиёт касб-хунар коллежизида вояга етмаган қизлар ўртасида эрта тур-

муш қуришини олдини олиш ва уларни касб-хунар таълимига жалб этишда ҳамкорлигини кучайтириш мавзусида ййгилиш ташкил этилди. Ййгилишда мунтазам ташкил этилаётган тушунтириш ишларига қарам-қармай билмайдилар. Ўзи хали бола бўлган ёш қиз қандай қилиб фарзанд тарбиялай олади, қандай қилиб рўзгор тутади? Бундан кўра, уларни пазандалик ва тикув курсларига юборсак, оилавий ҳаётга тайёрласак, борган жойида “қўли гул экан, тарбия берган ота-онасига раҳмат” деган гапни эшитса, ҳар бир ота-онага хузури бағишлаб, кўнгли тоғдек кўтарилса керак.

Ишбилармон аёлларни қўллаб-қувватлаш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда. Ўтган йилда хотин-қизлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш максатидан биргина “Микрокредит-банк” томонидан 90,3 миллиард сўм кредит ажратилган. Эътиборлики, бу маблағнинг салмоқли қисми касб-хунар коллежларини битириб, катта ҳаётга қадам қўяётган, тадбиркорлиқни бошлаган қизларга берилган.


2015 йилда коллежларнинг 480 миңдан ортиқ битирувчиси иш билан таъминланди. Тижорат банклари томонидан уларга ўз бизнесини ташкил қилиш учун 280 миллиард сўмга яқин имтиёзли кредитлар ажратилган ва бу 2014 йилга нисбатан 1,3 баробар кўпдир. Хотин-қизлар кўниталари томонидан қизларнинг бандлигини таъминлаш бўйича мамлакатимизнинг барча ҳудудларида махсус марказлар фаолияти йўлга қўйилган муваффақиятлар омили бўлмоқда.

“Тадбиркор аёлнинг энг яхши лойиҳаси” танлови ҳам хотин-қизлар тадбиркорлиги ривожига муҳим ўрин тутмоқда. Ўтган йилда мазкур танлов ғолибларига 4,7 миллиард сўм кредит ажратилган. Муҳими, шу лойиҳалар туфайли 347 иш ўрни яратилган.

Соҳадаги ишлар самарадорлиги охишида “Тадбиркор аёл портали” яратилгани ҳамда “Тадбиркор аёл” журнали чоп этилаётгани ҳам муҳим ўрин тутмоқда. Мамлакатимиз хотин-қизларининг қизиқчи ва интилишларига ҳамоҳанг маълумот ва материаллар жамланган бу манбалар орқали уларнинг ташаббусларига қанот берилаятир. Бу хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги фаолиги янада ошиши, мамлакат иқтисодий тараққиётидаги ўрни мустаҳкамланишига замин яратмоқда.

НОРГУЛ АБДУРАИМОВА,
ЎЗА мухбири.

Сайёра АБДУРАХИМОНОВА,
техника-иқтисодиёт касб-хунар коллежи ўқитувчиси.



сиз брикет машмашаси давом этапти. Юқорида таъкидлаганимиздек, мавжуд 48 та мактабдан 32 таси кўмир билан иситишга мослаштирилган бўлса, уларда аҳвол қандай экан, деган савол туғилиши табиий. Тегушли ташкилотлар брикет сифати пастиги сабабини атрофлича ўрганиб чиқишса, масалала ойдиллик киритилиши эҳтимолдан холи эмас.

ДАВРОН ҲАҚМЕДОВ,
“Тошкент ҳақиқати” мухбири.

Наврўз – 2016

Ҳадемай, яхши умидлар билан эртани кутиб, фарзандлар камолни кўриш, тўю-томошалар қилиш, Ватан тараққиётига ҳисса қўшиш ниятида яшаётган халқимиз Наврўзга пешвоз чиқади. Наврўзда шу юрт фарзанди эканимиздан, халқимизга хос миллий қадрият ва анъаналар нечоғли теран ва сермазмун, маданиятимиз нақадар бой эканидан гурур ва ифтихорга тўламиз. Дориламон кунларга етганимиз учун шукроналик ҳисси тошади қалбларимизда.

бераётган йигитлар қаҳқаҳаси, сирли пичирлашган қизларнинг шодон кулги си янграйди. Дастурхонларга баҳорнинг тансиқ неъматлари, кўк сомсаю

чаки кун эмас, балки Наврўзнинг ҳаётимизга, қалбимизга, халқимизга қайтган кун бўлди. ...Эсаётган баҳорий елларда ишқаланаётган қафт-

битилган мисраларда равшан юзга чиққан. Ошиқ вафодор ёрнинг ҳар бир тун оруз-умидлар ушаладиган, мушкулни осон қилиб, мурод-мақсадига

билади. Шу боис мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳаматлигида амалга оширилаётган улкан янгиланишларга, бунёдкорлик ишларига ба-

Баҳорда табиат уйғонишининг болалик – беғуборлик, руҳий поклик, жисман ва маънан соғломлик фасли билан нақадар узвий ва чамбарчас боғлиқ-

йигит-қизларимиз тимсолида кўрамыз. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, соғлом бола, соғлом авлод орузи аждодларимиздан бизга ўтиб келаётган, қон-қонимизга сингиб кетган азалий интилишдир. Мамлакатимиз ташлаётган ҳар бир қадам, амалга оширилаётган ҳар бир ислохот замирида мана шу оруз мужассам. Ўзбекистон ёшларининг шижоати, ақлу заковати, жисмоний ва маънавий камолоти, ҳаракат ва интилишлари эзгу мақсадларимизнинг бош омилдир.



Базми мутахассислар агар мактабларда дарс кечроқ бошланса, ўқувчиларнинг ўзлаштириш коэффициенти юқори бўлади дейишди. Бироқ, Данияда ўтказилган тадқиқотлар натижаси бунинкор этди.

ЭЗГУЛИК, ГЎЗАЛЛИК, ЯШАРИШ ПАЛЛАСИ

Наврўз – кун ва тун тенглашган, қоронғу хотиралар қисқариб, ёруғ умидлар узаётган маҳал. Урф-одат ва анъаналаримизнинг ажралмас бўлаги, энг қадимий байрамимиз.

сумалақлар тортилади. Наврўз маънавият, қадриятлар, урф-одат, анъаналар, меҳнат, меҳр-оқибат, саломатлик байрами бўлиши билан бирга халқ одобномасидир. Бу мўътабар айёмда турли низо ва адватлар унутилади, кишилар қалбиди шафқат ва муруват, ҳамжихатлик, саховат каби инсоний туйғулар яна ҳам тугён уради.

нинг товуши, эндигина уйғониб, бедорликка шайланаётган одамнинг безовталиги бор. Зеро, майнинг сабо, юксалиб, тик келаётган кўёш шуурда ҳаракатта, меҳнатга таралдул уйғотади.



етказадиган қутлуг қадр кечаси, ҳар бир ёруғ кунининг эса ҳаётбахш Наврўз бўлишини хоҳлайди: Зулфу руҳсор ила қонинга мени етурсанг, ҳар тунунг қадр ўлбун ҳар кунинг бўлсун Наврўз! Ҳа, халқимиз эзгу юмуш, янгилик билан бошланган ҳар бир кунини Наврўз деб

Президентимиз ташаббуси билан 2016 йилнинг "Соғлом она ва бола йили" деб эълон қилинган ҳам фарзандларимизни жисмоний ва маънавий жиҳатдан соғлом ўстириш, уларнинг бахту саодати, фаровон келажагини кўриш, дунёда ҳеч қимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялашдек азалий эзгу орзуларимиз ифодасидир.

Даниялик мутахассисларнинг фикрича, болалар топшириқларни эрталаб яхшироқ бажарадилар. 8-15 ёшдаги болаларни тест синовидан ўтказиш шунинг кўрсатдики, дарс қанча барвақт ўтилса, самараси шунча юқори бўлади ва, аксинча, соат сайин улар оладиган баҳо ўртача, 0,9 фоизга камайиб боради. Эрта дарс, асосан, сушт ўзлаштирувчи болалар баҳосига яхши таъсир қилар экан.

Мутахассисларнинг фикрича, вақтида дам олиш ҳам болаларнинг дарсини ўзлаштириш қобилиятини оширади. Масалан, топшириқ беришдан олдин 20-30 дақиқа дам берилса, болаларнинг дарсини ўзлаштириши 1,7 фоизга яхшиланади. Шунинг учун мутахассислар ўқувчиларга вақтида дам бериш муҳим аҳамиятга эга дейишмоқда.

Катта радиотелескоп
Гуйчжоу вилоятининг 9000 дан зиёд аҳолиси ушбу ҳудудда жаҳондаги энг катта радиотелескоп қурилаётгани боис ўз уйлари ташлаб, бошқа жойга кўчидиган бўлишди.

Югуриш саратондан асрайди
"Российская газета"нинг ёзишича, Копенгаген университетини олими яриги югуриш саратон ҳужайраларининг ўсишини секинлаштиришни аниқлашди.

Bolalik bog'i

Tomchi haqida ertak

Qishloq chekkasidagi baland tepalik ustida bir tur o'rik o'sar ekan. U har yili odamlarga ko'p-ko'p meva berar ekan. Ammo atrofiga boshqa daraxtlar bo'lmagani uchun juda zerikar ekan. Bir kun ertalab O'rik uyg'onsa, yaproqlarida bir narsa yarq-yarq qilib turganmish.

– Mayli, – debdi Tomchi, – men eng qiyin paytda ham doim yoningda bo'lamen. O'rik juda sevinib ketibdi. Ikki o'rtog' kuni bo'yi maza qilib o'y-nashibdi. Biroq, ertalab uyg'onsa, Tomchi yo'q emish. "Tomchi meni aldatdi", deb o'yabdi O'rik. Shunda biron uni chaqiribdi. O'rik quloq solsa, tovush osmondan kelayotgan emish. "Meni kim chaqiryapti?" debdi O'rik shoxlarini silkitib. "Men, sening do'sting Tomchiman" debdi bulut borgan sari pastlab. O'rik uning qanday qilib osmonga chiqib olganini so'rabdi. Meni Quyosh bobo osmonga chiqarib ko'yd'i, debdi Tomchi. Meni ham olib ket, – debdi O'rik havasi kelib.

Yo'q, do'stim O'rik, sen odamlarga meva berish kerak. Qo'rqma, men ham yaqinda qaytib kelaman debdi-da, Tomchi bulutga minib olis-larga ketib qolibdi. O'rik "o'rtog'im endi kelmaydi, osmonga chiqib meni unutib yubordi", deb xafa bo'libdi. Kunlar isib ketibdi. O'rik juda chanaqabdi. Yaproqlari shalpayib qolibdi. Oxiri xushidan ketibdi. Birozdan so'ng xushiga kelsa, yaproq'i ustida tomchi turgan emish. – Men senga yordam bergani keldim, – debdi Tomchi. U shunaga ko'p o'rtog'larini boshlab kelgan ekanki, O'rikning chanqog'i birpasda bosilib, yachnab ketibdi. Ruhshona NAZAROVA.

ЭЪЛОНЛАР

Шайхонтоҳур тумани ТСРҮИ томонидан 26.10.2015 йилда № 004654-09 реестр рақами билан рўйхатга олинган "BROKER'S EXPERT LINE" (ИНН 301725314) МЧЖ тугатилди (17.02.2016 йилдаги 1-сонли қарорга асосан). Даволаб эълон қилган кундан 1 ой давомида (+99893) 500-86-50 телефон рақами орқали қабул қилинади.

Тошкент шаҳар Учтепа тумани ТСРҮИ томонидан 17.11.2015 йилда № 007555-01 реестр рақами билан рўйхатга олинган "ORZU UMID TAYYORLOV" (ИНН 303494705) ХК тугатилди (таъсисчининг 17.02.2016 йилдаги қарорига асосан). Даволаб эълон қилган кундан 2 ой давомида Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, 26-мавзе, 34-уй, 54-хонадонда қабул қилинади. Телефон: (+99890) 960-21-23.

Тошкент шаҳар Учтепа тумани ТСРҮИ томонидан 02.05.2013 йилда № 005782-01 реестр рақами билан рўйхатга олинган "PRIME STUDY" (ИНН 302597126) нодавлат таълим муассасасига тегишли бўлган гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Убайдулла
АБДУШОҲИДОВ

Маъзилми:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар
кўчаси, 32.
Электрон почта:
thaqiqat@umail.uz

Телефонлар:
233-64-95, 233-55-39,
233-58-85 (факс).
233-38-23, 233-48-08.
233-56-03, 233-65-59.
233-54-10.

Қабулхона:
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар:
Шартнома ва эълонлар:
Ҳисоб-китоб бўлими:

Топикент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақам билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Набатчи муҳаррир
Ирода НОРБОВЕВА
Набатчи
Бектом ИСМОИЛОВ
Саҳифаловчи
Тоҳир МАҲМУДХЎҲАЕВ

Болалар спорти

ШЕРЗОДНИНГ АҲДИ ҚАТҒИЙ

Чирчиқдаги олимпия захиралари коллежнинг иқтидорли спортчилари 2014-2015 йилларда республиканинг бокс, белбоғи кураш, дзюдо, эшак эшиш, оғир атлетика, сузиш ва таэквандо бўйича терма жамоалари сафида ёшлар ўртасида ўтказилган Жаҳон ва Осиё чемпионатлари ҳамда Олимпиада ўйинларида учта олтин, ўн тўртта кумуш ва саккизта бронза медалларини қўлга киритгани бу ерда чинакам чемпионлар камол топаётганидан далолатдир.



майдонларида Ватанимиз шарофтини муносиб ҳимоя қилиш келажақдаги энг катта орзуим.

Шерзод Ҳабибов шундай иқтидорли ёшлардан бири. 2010 йилдан буён бокс билан шуғулланаётган Шерзод шахар ва вилоят мусобақаларида совриндорлар қаторида жой олди. Айни пайтда мамлакат миқёсида ўтказилаётган мусобақаларга жиддий тай-

Юлдуз ФАЗЛИЕВА,
Мансур НАХАЛОВ оғалар сурат.

Бекобод шахридаги "Ўзбекистон металлургия комбинати" акциядорлик жамияти касаба уюшмаси ташкилоти ва "Камолот" ЁИХ ташаббуси билан ёш металлурглр ўртасида "Камолот шахмат тахтаси" ҳамда хотин-қизлар ўртасида "Ка-

МАЙДОНДА ЁШ МЕТАЛЛУРГЛАР

– Мунтазам ўтказилаётган бундай мусобақалар ёшларнинг ҳам маънан, ҳам жисмонан баркамол бўлиб вояга етишларига хизмат қилади, – дейди

молот маликаси" спорт мусобақалари бўлиб ўтди. Шунингдек, оғир атлетикачилар 50 килограммдан 80 килограммгача вазн тоифасида ўзаро беллашдилар. Унда 20-35 ёшгача бўлган ишчи-хизматчилар икки гуруҳга бўлиниб мусобақалашдилар.

ли, хусусан, аёллар спортнинг ўзлари севган тури билан шуғулланишлари учун шартлар етарли. Мусобақа голиб ва совриндорлари ком-

Кулганга нима етсин

Директор янги ҳайдовчини ишга олди. Биринчи иш кунини. Бошлиқ сўроқ қилапти: – Исингиз нима? – Фаимиям Маҳкамов. – Мен сиздан исингизни сўрадим? – Исмин Дадажон. – Ҳайданг, Маҳкамов. Ишга қабул қилиш учун сўбатда: – Инглизчани биласизми? – Ҳа, луғат билан гаплаша оламан. – Одамлар билан гаплашишни ўрганганингизда келарсиз. Базми бир семиз қизлар озиш учун пар-

ҳез қилиб, турли хил ўт ва кўкатларни ейишади. Агар ўт еб озиш мумкин бўлганда эди, сигирлар супер-модель бўларди... – Севгилим, ликопдаги торт бўлагини еб кўр! – Раҳмат, қорним тўқ. – Асалим, қара жуда ширин торт! Ҳеч бўлмаса бир тишламгина егин. – Раҳмат, емайман. – Озгина татиб кўр. – Бас қилинг! Мен соат олтинда кейин ҳеч нима емайман! – Тортни тановул қил, аҳмоқ. Уни ичдида узук бор! Сенга уйланмоқчиман-ку, тушун-

Рассом хандаси



– Тавба, сен ҳам бўғирсоқ-мисан? – Албатта, ахир мен микро-тулқинли печола ниширилганман!

Бир йигит ресторanga кириб официантга 10 минг берибди. Официант: – Стол банд қилиб қўямиз? Йигит: – Йўқ, ҳозир севгилим билан келаман, бизда ҳамма жой банд десангиз бас.